



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

### РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Тўғрисида

Талаба ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш ва илмий-тадқиқот фаолияти билан шугулланишга ундаш, уларнинг истеъодларини намоеён этиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, билимли ва иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:
  - а) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси квотаси: таянч докторантурада таҳсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун **икки баробарга** оширилиб, тегишлича **10 та** ва **22 та** этиб; бакалаврият босқичи талабалари учун эса **ҳар бир олий таълим муассасасига 1** тадан этиб белгилансин;
  - б) Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқти-

дорли талабаларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси **Тўлпберген Қайбергенов** ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири **Ибройим Юсупов** номли давлат стипендиялари жорий этилсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари давлат олий таълим муассасаларининг **қўшма таълим дастурлари** асосида таҳсил олаётган ҳамда республикада фаолият юритувчи **хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари** ва **нодавлат олий таълим ташкилотлари бакалаврият босқичи талабалари учун ҳам татибқ** этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи олий таълим муассасаси томонидан ўтказилади ва танловнинг навбатдаги босқичига тавсия этиладиган талабгорлар тегишли **олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари** ва талабалари иштирокида аниқланади;

► Давоми 2-бетда

### ТАБИЙ БОЙЛИКЛАР ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАРДАН Фойдаланишда замонавий ёндашувлар

мамлакатимиз саноати ривожини, халқимиз турмуши фаровонлигини йўлида муҳим асос

Ўзбекистон саноати тарихида яна бир муҳим сана очилди. Гап шундаки, 29 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинати конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди. Шу куни барчамиз улкан саноат мажмуаси ҳудудда 3-мис бойитиш комбинати қурилиши бошланишига гувоҳ бўлдик.



Таъкидлаш жоизки, бу лойиҳа мамлакатимиз саноати ва иқтисодиётимиз учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, минглаб оилаларга доимий даромад манбаи, турмушимиз фаровонлиги асоси бўлиб хизмат қилади.

Шу ҳақда фикр юритар эканмиз, хаёлимизда ўтмиш манзаралари жонланди. Инсоният яралибдики муқаддас замин, соҳир само билан боғланиб яшайди. Табиат сиру синоатини ўрганишга ошиқади. Ерости ва усти дунёсидаги зврилишлар, юртимиз турпоғига ато қилинган

табиий бойлиқлар, бебаҳо неъматлар аввал аждодларимиз, бугун биз, эртага авлодларимиз учун тириклик манбаи бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

► Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30  
йиллигига

# ҚАШҚАДАРЁ —

## ОТАШ ЗАМИНДАН ЯРАЛГАН ДИЁР



Мустақиллик биз учун эркин ва озод ҳаёт, мардлик ва матонат тимсолига айланди. Истиқлолни асраш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилиш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизни юксак интилишлар сари чорлаб келмоқда.

Жонажон Ўзбекистонимиз ана шу кутлуғ кунга эришганига ўттиз йил бўлди. Бу тарихан қисқа бир давр ҳисобланса-да, асрларга татигулик улкан ўзгаришлар, туб бурилишлари билан тарих зарваридан ўрин эгаллади. Бугунги янги Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига

пойдевор қўйилаётганини алоҳида фахр билан таъкидлаш лозим. Бу жараёнга юртимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир ҳудуди ўз салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шундай ҳудудлардан бири Қашқадарё вилоятидир.

Қашқадарё — она диёримизнинг энг қадимий тарихга, ўзига хос маданиятига эга, ерости ва ер усти бойликлари кўпчилиги билан ажралиб турадиган, бугун ҳар томонлама жадал ривожланаётган вилоятларидан бири.

► Давоми 4-5-бетларда

## ЭКСПЕРТ ГУРУҲЛАРИ ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТЕКШИРИШГА КИРИШДИ



Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингани ҳақидаги гувоҳномаларни олгандан сўнг сайловчиларнинг имзосини тўплашга киришган эди. Бугунгача Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси ва Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига тегишли кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларини тақдим этди.

Сайлов кодексининг 39-моддасига биноан, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан 5 кунлик муддатда текширилади. Бунда сайловчилар имзолари

зарур сонининг камида 15 фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши керак бўлади.

► Давоми 2-бетда

### КУН МАВЗУСИ



## COVID-19: ВАКЦИНАЦИЯ — ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖА ВА МАҚСАДЛАР

Иновацион ривожланиш вазирлигида давлат идора ва ташкилотлари вакиллари, тиббиёт муассасалари раҳбарлари, ходимлари, халқро мутахассислар ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари иштирокида ўтказилган илмий анжуман шу мавзуга бағишланди.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАХСИЛ ОЛАЁТГАН, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУЎЛЛАНАЁТГАН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-Қувватлаш тўғрисида

Бошланғичи 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тартибга мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ўтказилади;

қўшма таълим дастури асосида давлат олий таълим муассасасини, республикада фаолият юритувчи хорижий олий таълим ташкилотининг филиалини ёки нодавлат олий таълим ташкилотини тамомлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки номли давлат стипендияси соҳиби бўлган талабалар ҳам давлат олий таълим муассасаси магистратурасига бакалавриятнинг таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.

3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихти-

сосликларини рўйхати ҳамда Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларини классификаторига мувофиқ таълим соҳаларини инобатга олган ҳолда танч докторантурада тахсил олаётган докторантлар ва магистратура босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда бакалаврият босқичи талабалари учун номли давлат стипендияларининг танлов йўналишлари рўйхатини тасдиқласин;

ҳар йили бакалаврият босқичи талабалари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари квоталари бўйича тақдирлашнинг олий таълим муассасалари кесимида Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиб борсин; тизимда олий таълим муассасаси мавжуд вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва номли давлат стипендиялари танловларининг дастлабки босқичи олий таълим муассасалари томонидан шаффоф, адолатли ва юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида тегишли вазирлик ва идораларга ажратилган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистоннинг ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги ПФ-555-сон Фармонида иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда

идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазир А.Х. Тошқулов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директор М.М. Каримов белгилашсин.

Фармон ижросини назорат қилиш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 9 сентябрь

ЭКСПОРТ

Мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини мустақкамлаш ва валюта тушумларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Бунда ишбилармонларга яратиб берилётган кенг имконият, имтиёз ва енгилликлар муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ЯНГИ ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР



Абдулла РЎЗМЕТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 13 июлдаги “Экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида”ги қарорига асосан, экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун Тикланиш ва тарақиёт жамғармасидан Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳузуридаги Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 200 миллион АҚШ доллари ажратилган эди.

2021 йил 1 октябрдан бошлаб Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан йиллик экспорт ҳажми 20 миллион АҚШ долларидан ошган корхоналарга экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун тижорат банклари орқали бир марталик молиявий ресурслар 5 миллион АҚШ долларигача миқдорда ҳамда бир йилгача бўлган муддатда тақдим этилади.

Эътиборга олиш керакки, охириги ўн икки ой давомида 1 миллион АҚШ долларида ортиқ тайёр тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилган корхоналарга асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш учун бутловчи буюмлар, хомаш ва материаллар олиб киришда божхона тўловларини тўлаш бўйича фоиз ҳисобланмаган ҳамда уларнинг тўланишини таъминлаш талаб этилмаган ҳолда 120 кунга тўловни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилди.

Фармонда белгилаб қўйилганидек, ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга нисбатан жарималар қўлланилиши, шунингдек, ушбу фармон кучга киргувчи қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2021 йил 31 декабрда қадар тўхтатилади.

Жорий йил 1 октябрдан эса юқори сифат ва назорат тизимига эга мамлакатлардан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомаш, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаби бекор қилинади. Эндиликда фармонга биноан, Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун бир марталик молиявий ресурслар тақдим этиш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Европа мамлакатларига қўшилган қўйимати юқори бўлган маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт харажатларининг 50 фоизини компенсация қилиш тизими бир йил муддатга жорий этилади.

Шу билан бирга, мазкур ҳужжат билан сертификатланган ва декларацияланган асбоб-ускуна, бутловчи қисмлар, хомаш, ўлчов воситалари, кимёвий реагентлар, кўтариш мосламалари ва транспорт воситалари импортида миллий сертификат олиш талаб қилинмайдиган қаври сифат ва назорат тизимига эга давлатлар рўйхати ҳам тасдиқланди.

Бир сўз билан айтганда, республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичида экспорт ҳажмларини кўпайтириш орқали макротиқсодий барқарорлиқни таъминлаш энг долзарб вазифалардан саналади. Мазкур ҳужжат ижроси эса республикаимизнинг экспорт салоҳиятини ошириши, экспортчи корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни баробарида уларнинг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги маҳсулотлари этиб борадиган мамлакатлар географиясининг янада кенгайтишига ҳам хизмат қилади.

ЭКСПЕРТ ГУРУХЛАРИ ИМЗО ВАРАҚАЛАРИНИ ТЕКШИРИШГА КИРИШДИ

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланғичи 1-бетда

Марказий сайлов комиссияси матбуот хизмати маълум қилишича, шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳлари тузилди. Улар таркибига ички ишлар, адлия органларининг криминалист, хатшунос эксперт-мутахассислари, шунингдек, олий таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари жалб этилди. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этмоқда.

— Қайд этиш жоиз, эксперт гуруҳлари томонидан текшириш учун сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган ҳар бир имзоси бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-худудий тузилмадан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг нисбатда танлаб олинади, — дейди Марказий сайлов комиссияси котиби Худойёр Маматов. — Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилгани аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади.

Агар қўллаб-қувватловчи шахсларнинг (сайловчиларнинг) имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб қолса, мазкур имзо варақалари тўлиғича ҳақиқий эмас, деб топилади. Мазкур ҳолда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни рад этади.

Агар сиёсий партия тақдим этган ҳужжатлар, шу жумладан, сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари Сайлов кодекс талабларига мос келса, Марказий сайлов комиссияси навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқади.

КУН МАВЗУСИ



COVID-19:

ВАКЦИНАЦИЯ — ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР, ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖА ВА МАҚСАДЛАР

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланғичи 1-бетда

Қарийб икки йилдан бери дунёни тахликага солган коронавирус пандемияси инсоният олдида жиддий муаммо бўлиб турибди. Касаллик жаҳон бўйлаб кенг тарқалди, ammo ҳалигача COVID-19 хасталиги юқинишни муҳофаза қиладиган ягона дориди ишлаб чиқилгани йўқ. Энг самарали ва ягона восита эса, касалликка қарши иммун тизимини ҳосил қилувчи вакцина бўлиб турибди.

Эмлашнинг қанчалик муҳим экани дунё олимлари томонидан эътироф этилмоқда. Анжуманда шу хусусда сўз борар экан, Ўзбекистонда кечайтган эмлаш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Халқ саломатлигини сақлашда вакцинациядан кўра самаралироқ

усул ҳали ўйлаб топилмади, — деди Бош вазир ўринбосари Бөхрөд Мусаев. — Миллионлаб одамнинг ҳаётини сақлаб қолиш, касалликдан кейин асоратлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида юртимизда аҳолини оммавий эмлаш ишлари кенг кўлабда амалга оширилмоқда.

Анжуманда таниқли олимлар коронавирустга қарши вакциналарнинг хусусиятлари, уларнинг турли штаммларга қарши самарадорлиги ҳақида ўз фикрларини билдирди. Хусусан, Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигида яратилган ZF-UZ-VAC2001 вакцинасининг III фаза синовлари натижалари маълум қилинди.

— Бугунги кунга қадар Ўзбекистонга 23 миллион дозадан зиёд вакцина олиб келинди, — деди Санитария-эпидемиология сойишталик ва жомат саломатлиги хизмати бошлиги ўринбосари Нурмат Отабеков. — Айни пайтда юртимизда ZF-UZ-VAC2001, AstraZeneca, Moderna ва “Спутник V”

вакциналари қўлланилмоқда. Яқин кунларда 1,7 миллион доза Pfizer вакцинаси олиб келиниши кутиляпти. Албатта, эмлашлар яхши натижа беришига умид қилаёмиз. Ҳозирга қадар 2 миллиондан кўпроқ аҳоли тўлиқ эмланди. Кузатувлар кўрсатяптики, айнан эмланган аҳоли қатламида ҳатто касалликни юқтириб олган тақдирда ҳам инфекциянинг олди олинган камайяпти.

Анжуманда эмлашга оид турли зиддиятчи фикрлар борасида ҳам мулоҳазалар айтилди. Таъкидланганидек, аҳолининг асосий қисмини тўлиқ эмлашдан, бунда ихтиёрлиқни таъминлашдан туриб қўтилган натижага эришиш мушкул. Шу жиҳатдан амалиётчилар ва илмий соҳа вакиллари иштирокидаги бу анжуман катта аҳамиятга эга. Бундай тадбирларда турли изланишларнинг ҳулосалари тинланиши, муҳокама қилинади ва аниқ ечимга келинади.

— Ўтган йил 10 декабрда Ўзбекистон-Хитой вакцинасининг 3-босқич клиник синовларини ўтказишга старт берилган эди, — деди инновацион ривожланиш вазир Иброҳим Абдурахмонов. — Ўтган вақт мобайнида эмлаш натижаларига оид жуда кўп саволлар, ишончсизликлар юзага келди. Нафақат халқимиз, балки илмий ҳамжамият томонидан берилган саволларга жавоб қайтаришга тайёр эмасдик. Чунки бу мураккаб жараён давом этаётганди.

Коронавирус пандемияси ҳали узоқ давом этиши тўғрисида прогнозлар мавжуд. Вакцинага талаб кундан-кунга ошиб бораётган бир пайтда бу эҳтиёжни қондириш борасида қандай чоралар кўзда тутилмоқда?

— Вакцина тақчиллиги яқин орада сақланиб қолади, — деди Иброҳим Абдурахмонов. — Янги штаммлар кириб келаётгани, бунинг натижасида янги-янги вакцина турларига эҳтиёж туғилаётгани, қолаверса, халқимизга арзон, сифатли вакциналарни етказиб бериш бўйича олдимизда қатор вазифалар турибди. Анжуман орқали ана шу масалаларни дунёнинг етук мутахассислари билан ўртоқлашиш имконияти яратилди.

Тадбирда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган вакциналарнинг ўзига хошлиги, сифати, афзалликлари ҳақидаги саволларга ҳам жавоб қайтарилди.

Маълумот берилишича, айни пайтда ЎзФАнинг қатор институтлари, Илғор технологиялар маркази вакцина яратиш билан шуғулланмоқда. Ҳозир 12 та вакцина бўйича дастлабки лаборатория натижалари мавжуд. Иккита вакцина Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг номзод вакциналар рўйхатидан ўтказилди. Уларнинг ҳайвонларда синовлари деярли якунланди. Натижалар ҳайвонларда антитаналар жуда яхши ҳосил қилинганлиги кўрсатди. Изланишлар натижаси йил охиригача дунёнинг нуфузли журналларида эълон қилиниши кутиляпти.

Тадбирда коронавирустга қарши вакциналарга бағишланган янги сайт — vaccination.uz ахборот ресурси ишга туширилгани эълон қилинди. Яратилган ва яратилаётган вакциналар ҳақида мазкур сайт орқали тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.





# ҚАШҚАДАРЁ

**Зойир МИРЗАЕВ,  
Қашқадарё вилояти ҳокими**

Бошланғич 1-бета

Вилоятда ҳоким сифатида фаолият бошлаганидан аввал ҳам бу муқаддас заминга кўп бор келганман. Лекин ўтган қисқа даврда Филон, Тарагай, Чиял, Татар, Кўп ва Оққошқоқларда бўлиб, бир нарсага амин бўлдимки, бағрикенглик ва яшаб турган ерига садоқат борасида бу халқдан кўп нарсани ўрганса бўлади. Воҳалиқлар ҳам тadbиркор, ҳам меҳнатсевар.

Давлатимиз раҳбари 2020 йилнинг ноябрь ойидаги вилоятга ташрифида ҳудуд ривожига кучли туртки берган аниқ вазифа ва чора-таdbирларни белгилаб берган эди. Айнакиса, 2017-2021 йилларга

## Салоҳияти юқори вилоятда кечаётган ислоҳотлар ҳар қадамда бўй кўрсатмоқда

мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “Ёшларни кўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар вилоятимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Вилоятимизда кейинги йилларда таълим сифатини ошириш, бандлиқни таъминлаш, пандемияга қарши кураш, камбағалликни қисқартириш, ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”ни аниқлаш, коррупцияга қарши кураш каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

“Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган гоя асосида олиб борилаётган ислоҳотлар ёш авлодга қаратилаётган эътиборнинг юксак намунасидир.

Жорий йилда соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича вилоятда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоятда **1 697 та** мактабга таълим ташкилотли (шундан 401 таси давлат, 40 таси хусусий, 1 146 таси оилавий ва 110 таси давлат-хусусий шериклик асосида) фаолият юритиб, уларда **128 минг нафар** бола тарбияланмоқда, қамров **43,7 фоизни ташкил этиб**, **2016 йилга** нисбатан **3,4 баробарга ошган (13%)**.

Шу йилда Давлат Инвестиция дастури доирасида **16 та объектда 57,8 миллиард сўмлик**, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастури доирасида **10 та объектда (36,1 миллиард сўм)** реконструкция ишлари амалга оширилди.

2021 йилда Қарши шаҳрида Президент мактаби ўз фаолиятини бошлади. Шунингдек, **2 та** янги мактаб, **38 та** мактаб филиаллари ҳамда навбатлилик коэффициенти 2 дан юқори бўлган **38 та** мактабга қўшимча бино қурилади, **15 та** мактаб таъмирланади.

Олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида (2020 йилда 1444 та) **25 фоизга** оширилади. Бу дегани биргина вилоятимиздаги олий таълим муассасаларида қўшимча **360 нафар** ёш давлат гранти асосида таълим олиш имкониятига эга бўлади.

Сўнгги йилларда вилоят ёқилғи-энергетика sanoati жадал ривожланмоқда. Жумладан, “Муборакнефтьгаз”, “Шўртаннефтьгаз”, “Муборакгазни қайта ишлаш заводи” каби йирик sanoat корхоналарида янги қувватлар барпо этилди. “Шўртангазмиқ мажмуаси”, “Талимаржон ИЭС” каби йирик корхоналар ишга туширилди. “Гиссар-



# ОТАШ ЗАМИНДАН

Бугун вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлиги ва маданиятининг юксалаётганини воҳада юз бераётган улкан ўзгаришларда кўриш мумкин. Қайқараманг, уй-жой кураётган ёки таъмирлаётган оилаларга дуч келасиз. Намунавий лойиҳалар асосида кейинги йилларда қурилаётган уй-жойлар қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.

Шу ўринда бир рақамга эътибор қаратинг. 2010 йилдан 2016 йилгача **1481** хонадонли **47 та** кўп қаватли уй қурилган бўлса, 2016-2020 йилларда **10782** хонадонли **316 та** кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилди. Қурилаётган янги аҳоли пунктлари ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маиший инфра-структуралар билан бирга барпо этилаётгани воҳа аҳолисини мамнун қилмоқда.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан **900 нафар** чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга **50 миллиард сўм** ажратилади. Эътиҳомдор оилаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами янада кенгайтирилади.

Бундан ташқари, Ипотека дастури доирасида 2021 йилда **3 390 та уй-жой қурилади**. Эътиборлиси жорий йилдан бошлаб бошланғич фуқаролар, шунингдек, оғир аҳволда қолган хотин-қизлар учун ижара уйлари берилади. Вилоятимизда шу йилнинг ўзида **90 та** уй-жой маҳаллий ҳокимликлар томонидан сотиб олиниб, ижрага берилади.

Шунингдек, **1001,2 километр** ичимлик сув тармоқлари, **103 та** сув иншоотини қуриш-тиклаш орқали **2186,0** минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланади, **58 километр** умумфойдаланувдиги автомобиль йўллари реконструкция қилинади.

Жумладан, жорий йилда “Деҳқонобод — Оқсув” лойиҳасининг биринчи bosқичи ишга тушди. Лойиҳа тўлиқ ишга тушган, Деҳқонобод туманининг **78** фоизи ёки **113 минг нафар** аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланади.

Ҳар бир туман марказида биттадан кўчада пиёдалар йўлаги, сайилгоҳ ва велосипед йўлакчалари ташкил этиш учун маҳаллий бюджетдан **102 миллиард сўм** сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, воҳанинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, деҳқончилик йўналиши ўзига хос. Шаҳрисабз ва Китобнинг майизбоз узум навлари, қўчак анжирлари, чўлнинг асалдан ширин қовун-тарвузлари, тоғнинг қизил картошқаси, Косон сабзиларининг довури узюкларга кетган. Воҳанинг кенг қир ва адирлиқларида қадимдан чорваччилик ривожланиб келган ва бугунги кунга келиб Республикаимиздаги мавжуд қўй ва эчкиларнинг **21,0 фоизи** Қашқадарё вилоятида етиштирилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 23 июль кунини аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-таdbирлари бўйича видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида аҳоли билан учрашиб, узюк ҳудудларида фуқаролар билан “ZOOM” орқали жонли мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларига қўлоқ тутмоқдамиз.

Қабуллар давомида кўплаб масалалар жойида ҳал этилди. Масалан, бир фуқаро уй-жойга муҳтож. Йиллар давомида юзлаб ариза билан турпи ташкилотларга мурожаат қилган. Лекин ҳеч бир масъул субсидия тартиблари ҳақида унга тушунча бермаган. Тушунтирилмаган сўнг фуқаро тез кунда сертификат олди ва бошланғич тўлов энгиллашти. Унинг муҳтожлиги депутатлар томонидан ўрганилиб, қолган бошланғич тўловини ҳам “Саховат ва кўмак” жамғармасидан тўлаб бердик. Оила аъзоларининг хурсандчилигини кўринг энди!

Ана шундай ҳақиқий бахтни бугунги кунда Президент ҳаммага бермоқда. Кексалари эътиборда, хотин-қизлари эъзода, ўғил-қизларига эса барча шaroитлар беқиёс. Шу имкониятлардан фойдаланган ёшлар бугун ҳар соҳада юртимиз довуруғини дунёга таратмоқда.

Мана шу саъй-ҳаракатлар туфайли бугун вилоятимиз республикада, мамлакатимиз эса дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалламоқда.

Бу йил барча шаҳару қишлоқларда, меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва ҳар бир хонадонда энг улғў энг азиз байрам, — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги нишонланамоқда. Унда янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшаш, янги давлат ва жамият барпо этиш йўлидаги буюк ишлар мужассамдир.

Бу каби фикрлар ҳар бир қашқадарелиқнинг қалбида жўш уриб турибди ва уларни янги-янги марралар сари ундамоқда.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Жорий йилда қашқадарелик **6 234 та** фермер хўжалиги томонидан **140** минг гектар суғли майдонда галла етиштирилди. Ўзига хос деҳқончилик маданияти, агротехник тадбирларнинг сифатли амалга оширилгани, давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шaroитларнинг вақтида яратиб берилгани мўл ҳосил гарови бўлди. Дон қабул қилиш масканларида **288 450 тонна** сара дон топирилиб, қўзда тутилган режа ортиғи билан бажарилди.

## Хирмон тўлиб тўкилди дон



Айни пайтда ушбу галла ҳосили ёпиқ оморларга жойланиши билан бирга, донни қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш юборилмоқда. “Ўздонмаҳсулот” АКга қарашли Қарши шаҳридаги “Дунё-М” АЖда вилоятда етиштирилган галла сақланади ва қайта ишланади. Жорий йил корхона томонидан **109** минг тонна товар дон, **10 700 тонна** сара дон қабул қилинди. Бу ерда иккита, яъни умумий бугдоя сақлаш сигими **84** минг тоннага тенг бўлган **5** корпусдан иборат элеватор-1 ва сирими **54** минг тонналик **3** корпусдан иборат элеватор-2 цехлари мавжуд бўлиб, улар фермер хўжалиқларидан қабул қилинган донларни сифатли сақлаш имкониятига эга. Мутахассисларнинг таъкидлашича, гарчи йил қуроқчилик келган бўлса-да, ҳар йилгидек юқори сифатга эга ҳосил етиштирилди. Жамиятда қабул қилинаётган ва қайта ишланаётган маҳсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Эн сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган синов лабораторида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати таҳлил қилиб борилади.

Президентимизнинг инвестиция дастури туғрисидаги қарорига асосан, жамиятнинг тегиридон чеки **1** миллион **550** минг **АҚШ** доллари қийматида қайта реконструкция қилиниб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажминини кескин ошириб, харидорлар талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, ушбу замонавий технологиялар электр энергияси сарфини **1 тонна** маҳсулот учун **25 кВтга** камайтиришга, қувватлардан тўлақоғли фойдаланишга олиб келди. Бу ускуналар экология, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги билан ҳам ўз афзаллигини кўрсатяпти. Яна бир жиҳати, барча ишлар автоматлаштирилган бўлиб, биргина пульт орқали бошқарилади.

Бу йил Нишон туманида **18 500 гектар** майдонда галла етиштирилди. Юқори ҳосилдорликка эришишда кластер корхоналарининг ҳиссаси катта бўлди. “Индо-

рама агро кластер” корхонаси томонидан **2 000 тонна**, “Нишон теххизмат кластер” МЧЖ томонидан эса **3 050 тонна** уруғлик, **29 407 тонна** сара дон олинди.

Касбилик галлакорлар тумандаги **482 та** фермер хўжалигида **12 200 гектар** майдонда бошоқли дон етиштирди. Галла парваршида барча агротехник талабларга риоя этилган ҳолда иш олиб борилиши натижасида ҳосил мўл бўлди.

— **22 гектар** майдонга “Ғаздон” нави уруғ эканди, — дейди фермер Шухрат Очипов биз билан суҳбатда. — Режамиз **40** центнер эди. Амалда ҳар гектар ердан **68** центнердан ҳосил олдик. Сув таъминлигини енгиш учун **3 та** артезиан қудуқ қазилди. Минерал ўғитлар етарли миқдорда берилди. Шу боис, мўлжалдан **1,5** баравар кўп ҳосил етиштирилди.

Тумандаги “Ғалаба”, “Сайдо Насафий”, “Талиш-бе”, “Қашқадарё”, “Темур Малик” номи хўжалиқларининг фермерлари ҳар гектар майдондан **60-75** центнергача ҳосил олиб, вилоятнинг улкан дон хирмониغا муносиб улғў қўшилиди.

Тумандаги “Asqar Gold Trans” галлачилик кластери фермерлар билан тузилган шартнома асосида деҳқонларга минерал ўғитлар ҳамда ёнилки мойлаш маҳсулотларини ўз вақтида етказиб берди. Бу кластер жамоаси доннинг бир қисминини қайта ишлашни йўлга қўйиш арасида.

— **487 нафар** фермер билан шартнома тузганимиз, — дейди кластер раҳбари Аброр Рустамов. — **14** минг тонна бугдояни ўзимиз учун галлаб қўйдик. Сабоби, **90** минг тонна донни қайта ишлаш сизимига эга бўлган завод қурилишини бошлаганимиз. Бу билан **150 та** янги иш ўринлари яратамиз.

Касби туманида галладан бўшаган майдонларнинг **7** минг гектари такрорий экинлар экиш учун “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” та киритилган эътиҳомдор оилаларга бериляпти. Ҳозиргача туманда **5** минг гектар майдонга турли хил такрорий экинлар экилди.

## Ғилонлиқлар дунёга



**30 июль**. Президентимиз “Халқлар дўстлиги” кўни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мамлакатимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирлаш туғрисидаги фармонга имзо чекди. Бу ҳужжат шаҳрисабзликларга ҳам қувонч бағишлади. Сабаби фармонда номи кўрсатилганлар орасида Абдуҳалим бобо Саломом ҳам бор эди. Отақон узюк йиллар давомида ўзининг ҳаётий тажрибаси, бой илмий салоҳияти, билими, ақл-заковати билан нафақат туманда, балки вилоятимизда ҳам ўз ўрнини топан инсонлардан. У киши узюк йиллар Шаҳрисабз туманининг олис тоғли қишлоғи Ғилонда истиқомат қилиб, йўлларни текисловчи кўплаб техникаларга ҳайдовчилик қилди.

Ҳисор тоғлари бағрида ястанган Ғилон қишлоғи денгиз сатҳидан **2** миң **223 метр** баландликда жойлашган. Йил ўн икки ой эримайдиган қорли чўққилар, ям-яшил адирлар пойидаги тилим манзил ўзининг гўзал табияти, зилот суварли, сулни ёраб мева-ю сабзавотлари, айнақча, меҳмондўст, аҳил ва самимий одамлари билан янада улғувор туолади.

Билимга иштиёқманд, табиатга ҳавасманд инсон борки, Ғилоннинг таърифини эшитиб, қалбида ушбу манзилда бўлиш истagini туғди.

Маҳалла раиси Ҳақназар ака Ниёзов саёҳатга бошқош бўлади:

— Саёҳат аввалида Абдуҳалим бобонинг хонадонига бир кириб ўтамиз, — деди Ҳақназар ака, — у киши дуоғуимиз — маърифатли, пиру бадавлат отақон.

Ям-яшил боғ оралаб Абдуҳалим бобонинг орасида хонадонига кирдик. Кўп ҳаяжонли, бошидаги дўпкинчи нуроний хечрасига ярашган, илти бабасуим, ниҳондаги майинлиқ самимий суҳбатга чорлаб турган бобо эшик ҳатлаб кирди, салом-алиқдан сўнг пойгадга чўққалади.

— Мен бир тоғлик қўшчи одамман, ҳол сураб келибсиз, бошим қўққа етди, — камтаринлик ва сокинлик билан сўз очади отақон. — Тинч ва осойишта кунлардан баҳраманд бўлиб, шу улғў ёшда эл-юртининг, сизларнинг дуойиниғини қилиб ўтирибмиз. Шу кунларга етказганига шуқ... — бобо бироз уйга толиб, диққатини жамлаб гапида давом этади. — Ўзим учун бир савога ҳулоса ысядим: Мустақиллик сўзи нима? Бу сўзнинг ҳарфларини бир жойга териб ўйладим... Халқимизнинг маънавий кадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш... Менимча шу сўзларнинг замирида мустақиллик нафаси бор. Мустақиллик, аввало, маънавий кадриятимиз — муқаддас динимизни, тарихимизни, буюк бо-боқалонларимизнинг улкан меросини қайта тиклади.

Қишлоқнинг миңг йиллик тарихи бор. Ғилон сўзи икки хил маъно касб этади, араб алифбосида “Ғилон” ва “Ғайлон” сўзи бир хил шаклда ёзилади. Шу боис, ғайлон — жамлаш маъносига, бу қишлоқ аҳлининг



